

# ҚУМҚҰРҒОНЛИК ФУТБОЛЧИЛАР ЯНА ҒАЛАБА ҚОЗОНИШДИ



Қумқўрғон туманида спортнинг футбол тури буйича Сурхондарё вилояти биринчилиги иккинчи лига ўйинлари чемпионлиги учун "Қумқўрғон-1977" ва "Бойсун 1975" жамоалари ўртасида футбол ўйини Қумқўрғон 1977 ғалабаси билан якунланди.

"Қумқўрғон 1977" жамоаси 2:1 ҳисобда "Бойсун 1975" жамосини мағлубиятга учратди.

Ўйин якунида туман ҳокими Раҳматулла Гаппаров "Қумқўрғон 1977" жамоасининг барча вакилларини табриклаб, эсталик совғаларини топширди.

Шунингдек, тажрибали футболчи Баҳодир Тошбоевнинг футбол билан хайрлашиш тадбири ўтказилди. Футболчи фахрий ёрлиқ ва эсталик совғалар билан тақдирланди. Ушбу мусобақани 5000 га яқин футбол ихлосмандлари кузатиб боришди.